

Таом ҳозир бўлганда намозни кейинга суриш



13:00 / 20.12.2020 5141

إِذَا قَامَ لَسَوْوَهُ يَلْعَلُ لِيَصِيَّبَنَّ لَنَا، أَوْ نَعْلَمُ لِيَصْرَ رَعَاءِ عُنْ
مَدَّقُ إِذَا يُؤْرِي فَو، عَاشَعَلَابِ أَوْ ذَبَّافُ الْعَلَّصَلَامِ قُؤُؤْ عَاشَعَلَابِ
هُؤْرُ: مُكِّئِشَعْنُ عَؤُلْجَعَتِ الْو، بِرُعْمَلَاةِ لَبَقْرُؤْبِ أَوْ ذَبَّافُ عَاشَعَلَابِ
يُذِمَّرْتَلَاؤُنَا خِيَّشَلَا

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Кечки таом қўйилса-ю, намозга иқомат айтилса, кечки таомдан бошланглар», дедилар».

Бошқа бир ривоятда:

«Кечки таом тақдим қилинса, Шом намозидан олдин ундан бошланглар. Кечки овқатингизда шошилманглар», дейилган.

Икки Шайх ва Термизий ривоят қилганлар.

Шарҳ: Намоз билан таом бир вақтга тўғри келиб қолса-ю намознинг вақти бемалол бўлса, олдин таом тановул қилишдан бошланади. Чунки

инсондаги таомга бўлган эҳтиёж намозига путур етказиши мумкин. Намозда ҳам хаёлига таом келиб, намоз ўқигандек бўлмайди. Намозни зеҳн ва фикр холи бўлганда ўқиш керак.

Шунингдек, кишининг хаёлини олиб қочадиган таомга ўхшаш бошқа эҳтиёжлар бўлса, аввал уларни қондириб олиб, кейин хотиржам равишда, кўнгилни бир жойга қўйиб, намоз ўқишни бошлаш лозим.

مَأْكُلًا رُضًا حَبَّ الْعَالَمِ؛ لَأَقْرَبَ لَسَوْ وَهِيَ لَعْلَلِ لَيْلٍ صَبَّ نَجْلًا نَعَاهُ نَعْوًا
نَاثِبًا حَالًا عُفَاذِي وَهَالًا

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Таом ҳозир бўлганда намоз йўқ. Уни икки (томондаги) чиқинди қистаб турганда ҳам», дедилар».

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Таом ҳозир бўлганда намозни кейинга суриш. Албатта, намознинг вақти чиқиб кетгунча таом еб ўтирилмайди.
2. «Заҳар танг» қилиб турган одам ҳам намоз ўқимасин.
3. Қазои ҳожати қистаб турган одам ҳам намозини кейин ўқисин.
4. Қорни дам бўлиб, ел қистаб турган одам ҳам намоз ўқимасин. Бундай ҳолларда бўшаниб олиб, янги таҳорат қилиб, кейин хотиржам намоз ўқилади.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан